

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Кахорова Замира Сафаралиевна

Тошкент давлат Иқтисодиёт Уневерситети

“Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

Аннотация: Мазкур мақола республикамиз иқтисодиётни ривожлантириш асосий бўғинларидан бири бўлган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳалари фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган. Бу мақолада бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда йўлга қўйилган кичик бизнес субъектлари фаолияти ташиқил этиш борасидаги имтиёзлар, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташиқиллаштириш харажатлари ва фаолият натижасида кутилаётган даромадларнинг иқтисодий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, тадбиркорлик хусусиятлари, иқтисодий ҳолат, ривожланиш хусусиятлари.

Abstract: This article is devoted to the formation and development of private entrepreneurship and small business, which is one of the main links of economic development of our republic. This article describes the economic aspects of the benefits of establishing small business entities in our country today, the costs of establishing small business entities, and the expected income as a result of the activity.

Key words: Small business, private entrepreneurship, entrepreneurial characteristics, economic situation, development characteristics.

Кириш

Мамлакатимиз аҳолисининг иқтисодий фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш бугунги кундаги энг муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон ривожланаётган мамлакатлар қаторида бўлиб, иқтисодиётни ривожлантиришда молиявий фойда олиш билан биргаликда экологик муҳитни ҳам инобатга олган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини

шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Чунки бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўсиши билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоратадбирларини амалга оширишга йўналтирилаётган давлат харажатларининг кўпайиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон республикасида тадбиркорлик фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида йўлга қўйилиб, бу жараён республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жаддаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ечишда ҳам етакчи ўрин тўтиб келмоқда. Шу сабабли КБХТни ривожлантириш учун унинг ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш, иқтисодий фаолияти учун барқарор қулайликлар, имтиёз ва кредитлар тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамизда амалга ошилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги кундаги муҳим босқичи кичик бизнесни ривожлантириш, кенг иқтисодий эркинлик бериш уларни фаолиятини яқуний натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишдан иборат.

Ўзбекистон иқтисодий ислохотларининг бош мақсади очик ташқи сиёсат, барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини, кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини қуриш ҳисобланади. Республикада иқтисодий ислохотлар ижтимоий бозор иқтисодиёти йўналишида қатъий ва изчил амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам, Республикamızда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шароитлар яратилган:

1. Кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтиш вақти 30 дақиқани ташкил этади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун фақат бир дона, юридик шахс сифатида кичик корхонани рўйхатга олишда эса - икки дона ҳужжат талаб этилади.

2. Деярли барча тармоқдаги кичик корхоналар кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг муҳим омили ҳисобланадиган ягона солиқ тўлови ставкаси, реализация қилинган товарлар ва

хизматлар ҳажмининг 5% ни ташкил этади. Шу билан бир қаторда кичик бизнес субъектлари учун ижтимоий солиқ 2025 йил учун 12% ни ташкил этади¹¹⁴.

3. Янги ташкил этилган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарга беш йил давомида улар рўйхатдан ўтган кунидаги солиқ ва мажбурий тўловлар ставкасини қўллаш ҳуқуқи берилади.

4. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилмоқда: банклар томонидан имтиёзли ставкалар бўйича кредитлар бериш; тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг тадбиркорлик фаолиятига берилган кредит маблағларининг 50% миқдоридаги кафиллик ва тижорат банклари кредитлари бўйича ҳисобланган фоиз харажатларини қоплаш.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа субъектларига нисбатан кам сармоя талаб қиладиган ҳамда турли ўзгаришларга мослашувчан бўлган кичик бизнес субъектлари маҳсулот турларини диверсификациялаш, модернизациялаш ва ҳар доим такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлар шароитига тез қўниқувчанлик имкониятини келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг иқтисодий механизми иқтисодиётдаги турли бўғинлар фаолиятини бир-бирига мос ҳолда ривожланишини ва тўғри фойдаланиш натижасида корхона равақини таъминловчи моддий-техник, молиявий, ижтимоий ресурсларни қўллашнинг технологияси ва воситалари бир бутун тизим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гойибназаров Б.К., Рахмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И., Кичик бизнес субъектлари-мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни юксалтириш омили.

2. 2025 йилда солиқларда қандай ўзгаришлар бўлди? – Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz

¹¹⁴ <https://phoenixpublication.net/> 2025 йилда солиқларда қандай ўзгаришлар бўлди? – Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz